

## ЗАЬФАРОН (CROCUS SATIVUS L)

Ўразова Нигора Бегимқуловна

*Жиззах вилояти Бахмал тумани Бахмал қишилоқ  
хўжалик касб-хунар мактаби Агрономия йўналиши ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мақолада Республикаизда ўсадиган доривор ўсимликлардан заъфароннинг биологик хусусиятлари ,географик тарқалиши,кимёвий таркиби,ишлатилиши, доривор препаратлар тайёрланиши ҳақида маълумот бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Қадимги Аҳд,сапсаргулдошлар, туганак пиёз, Шумер цивилизация, Ҳаким Аюрведа, Невроз, Антиоксидант

Заъфарон ўрта асрлардан бери баҳоси ва қадри тушмай келаётган ягона зиравордир. Ўрта асрларда бир қадоқ (450 г) заъфаронни зотли араб чопқир отига айирбошлиш мумкин бўлган. Заъфарон (*Crocus sativus* – лотин.) – сапсаргулдошларга мансуб кўп йиллик ўтсимон туганак пиёзли ўсимлик. Ёввойи ҳолда учрамайди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Жанубий Европа, Озарбайжонда катта майдонларда экилади. Пиёзининг диаметри 1-2 сантиметр. Барги 5-15 та, оч сарик рангда; эни 2 мм, туксиз. Гули 1-4 та, гултожи оқиши, пастки қисми (ташқи томондан) бинафша ранг, узунлиги 2-4 см. Чангчилари гулқўрғондан қисқа. Кўсаги чўзиқ, эни 6-7 мм. Февраль-июлда гуллайди, апрель—августда мева беради. Таркибида эфир мойи бўлгани учун хиди жуда ўткир ва ёқимли. 90-100 минг дона заъфарон гулидан 1 кг қуриган гул тумшуқчалари олинади. Заъфарон гулининг қуритилган тумшуқчалари мураббо, торплар ранги ва таъмини яхшилаш, озиқ-овқат (пишлоқ, сариёғ, ликёр ва бошқаларда ранг бериш учун), парфюмерия (атир-упа) саноатида ишлатилади. Табобатда дори-дармон сифатида қўлланилади.

Бу зираворнинг номи деярли ҳамма тилларда арабча “сарик” маъносини берадиган “za’faron” сўзидан олинган бўлиб, қадимда мазкур ноёб ўсимлик-дан бўёқлаш моддаси сифатида фойдаланилганидан далолат беради. Ҳозирги даврда заъфарон ўзининг азалий аҳамиятини йўқотиб, асосан пазандаликда ишлатилади ва олтин билан teng баҳоланади. Ер юзида бугунги кунда йилига фақат уч юз тонна заъфарон етиштирилади.

Маълумки, заъфарон инсониятга зираворсифатида истеъмол қилиниши тўрт минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, бўёқ сифатида неолит даврида тоғларда қоя тошларига расм чизища ишлатилган. Қадимги Месопотамияда уни таомда ишлатилган излари археологлар томонидан

аниқланган. Ёзувларда у ҳақда биринчи эслатмалар Шумер цивилизацияси қолдиқларида кузатилади. Эронда эрамиздан аввалги X асрда заъфарон толаларини қурбонлик ўраладиган матоларни бўяшда ишлатилган, ундан шунингдек кучли томизғи сифатида фойдаланиб, атторлик моллари ва лаззатли ёғлар тайёрлашган. Искандар Зулқарнайн армиясида жароҳатларни даволашда ишлатилган. Қадимги Ахдда (Тавротда) заъфарон қурбонлик қилишда ёрдамчи восита, бўёқчилик ва атторлик моддаси сифатида ишлатилиши ҳақида битилган. Қадимги Хитой манбаларида шифобаҳш дори воситаси сифатида эслатилган. Шарқда будда монахлари либосларини бўяш учун ишлатилган. Европада уни ишлатган бойлар жамиятда киборлар табақасига мансублигини ифодалаган. Рим аркони давлати заъфаронни дори сифатида, тери ва матоларга бўёқ, атторлик моддаси сифатида ишлатган. У – энг мазали зиравор, сифатли табиий бўёқ моддаси ва қимматбаҳо атторлик воситаси, ҳамма дардларга даво бўлувчи моддадир.

Шарқда илгарилари у “қизил олтин” деб номланган. Заъфарон қимматбаҳолигининг сабаби иккита: биринчидан, уни етиштириш жуда мashaқ-қатли иш, иккинчидан, хушбўйлиги, таъми ва даволаш хусусиятлари бўйича заъфарон зираворлар орасида тенгсиздир. Заъфарон – йилига бир марта 10-15 кун оммавий гуллайдиган, ҳар бир гул очилишининг давомийлиги фақат 2-3 кун бўлган қирмизи “крокус” (лотинча номи) оналик гули тумшуқлари-нинг қуритилганидир. Заъфарон гуллари ва хусусан оналик гулларини қайта ишлаш фақат қўл меҳнати билан амалга оширилади. Оналик гуллари тум-шуғи фақат гулларнинг биринчи очилган куни кирқиб олиниши лозим. Унинг сифати терим ва уни қуритишнинг тезлиги билан боғлиқдир. Бир килограмм заъфарон йифиши учун тонгда қуёш ҳали оналик гулларини қуритиб улгурмасидан, 150 минг дона атрофидаги гули териб олиниши лозим. Бир гектар ер майдонидан теримчиларнинг маҳорати ва об-ҳавонинг муносиб шароитига қараб 8-12 килограмм заъфарон йифиб олиш мумкин.

Заъфароннинг кимёвий таркиби 10-12 % сув, 5-7 % минерал моддалар, 5-8 % мой ва мўм, 12-13 % оқсил ва энг оз миқдорда ёғ экстрактидан иборат ўзига хос ва хушбўй ёқимли моддалардан таркиб топган.

Қадимги замонлардан маълумки, у нодир ва бемисл хусусиятларга эга. У оғриқни қолдирувчи, қувонч ва хурсандчилик баҳш этувчи, тушкунликдан чиқарувчи, қувонч гормони – серотонин ишлаб чиқариш хусусиятига эгадир. Шундай қилиб, заъфарон – инсон доимий истеъмол қилишга ўрганиб қолмайдиган, енгил психотроп моддадир. Ҳаким Аюрведа заъфаронни ҳазм таомни яхшилашга, сезги ва нафас олиш органларини мустаҳкамлашга, жигар, буйраклар, лимфа безларини тозалашга, титроқни босишга, томирларда тўхтаган қонни юргизишга, юз рангини тиниклашга, жинсий қувватни фаоллаштиришга

ҳам хизмат қилишини таъкидлаган. Қадимда киборлар жамиятига мансуб аёллар туғиши олдидан оғриқни енгиллаштириш мақсадида заъфарон эритилган сувни ичишганды.

Замонавий тиббиётда у кўзга томизиладиган дори тайёрлашда ва умумий қувватлантирувчи турли дори-дармонлар тайёрлашда ишлатилади. Заъфароннинг антиканцероген ва антимутаген хусусиятларга эгалиги исботланган. Уни қайноқ сут билан ичилса, бош мия фаолиятини мустаҳкамлаб, хотирани кучайтиради. Агар асал билан истеъмол қилинса, буйрақдаги тошларни майдаланишига ёрдам беради. Заъфарон гули тумшуклари эритмаси инсон организмига зарур бўлган каротин, тиамин, рибофламин, flavonoидлар, кальций, фосфор каби моддаларга ва турли витаминаларга бой. Тўрт минг йиллик ишлатиш тарихида унинг тўқсон хил турли касалликларни даволашда қўлланиши аниқланган.

Заъфароннинг хушбўй ҳидини ҳидлаш инсонни нафас олиш органларига ижобий таъсир қилиб тинчлантиради ва уйқусизликдан қутилишга ёрдам беради. Кучли бош оғрифида ва қулоқ шамоллаганида заъфарон сувида пахта ёки юмшоқ матони ҳўллаб касал аззога босилса, оғриқни қолдиради. Бундан ташқари у қорин очиш ҳиссини ҳам камайтиради. Заъфарон меъёридан ошириб ишлатилса, сезги органларини қаттиқ зўриқишига олиб келиши мумкин. Меъёрдан қўп овқатга қўшилган заъфарон таомни бузишдан ташқари инсонни заҳарланишга олиб келиши мумкин. Бир неча грам янги узилган сифатли заъфарон истеъмол қилинса, ўлимга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мутахассис маслаҳатисиз ҳомиладор аёлларга тинчлантирувчи восита сифатида истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Заъфарон тўқ қизил ва жигар ранг-қизил, майин ингичка ипга ўхшаш бўлиб, орасида сарик рангли бир нечта толалар бир-бирига ўралиб, чирмашиб турган ўсимлик гули оналиклариридан. Таомни ўзига хос майин, хуштаъмлик ва ноёб аралаш ўткир аччиқ-ширин мазали қилишга заъфароннинг битта ингичка толаси ҳам етарли бўлади. Нозик дидли хўрандалар заъфарон қўшилган таом мазасини янги ўрилган ўт, темир-асал таъмини беришини таъкидлашади.

Заъфарон харид қилишда янчилиб майдаланганини эмас, балки бутун толали гулларини олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан икки минг йил аввал Плинний янчилган заъфарон қалбаки бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлан-тирган. Ўрта асрларда заъфаронни сохталаштирган киши гулхан ўтида ёқилган. Ҳақиқий заъфарон ҳеч қачон арzon нархда сотилмаган. Уни узоқ сақлаб бўлмайди, шунинг учун олдиндан олиб қўйиб бўлмайди.

Заъфароннинг шифобахш хоссалари

Заъфарон овқат ҳазм қилишни яхшилаб, иштаҳани очади, организмнинг ҳаётий фаоллигини яхшилайди, кишилар ундан ошқозон, юрак, жигар нафас

олиш аъзолари ва асаб тизимини мустаҳкамлашда, буйракларни тозалашда, оғриқни қолдиришда, тинчлантирувчи, пешоб, ўт ва тер ҳайдовчи восита сифатида фойдаланишади. Лекин ҳомиладорликда уни истеъмол қилиб бўлмайди, чунки у ҳомилани муддатидан олдин тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Заъфарон доришунослик саноатида кенг ишлатилади, у шарқ табобатининг 300 дан ортиқ дори-дармонлари таркибига киради. Унинг дамламаси билан қадимда катарактани даволашган, ҳозирги вақтда ҳам у кўзга томизиладиган дорилар таркибига қўшилади.

Заъфарон бутун организм ҳужайраларини озиқлантиради, терини силлиқ қиласи, рангни тиниқлаштиради, хотира ва ақлий фаолиятни яхшилайди, кайфиятни кўтаради. Заъфарон 100 дан ортиқ хасталикларни даволовчи шифобахш хоссаларга эга. Амалда ҳар қандалик хасталик, у бошланиш босқичидами ёки ривожланган охирги босқичидами, бундан қатъий назар, заъфарон ёрдамида 85-87 % га шифо топади. Тадқиқотлар буни қайта-қайта исботлаган. Заъфароннинг шифобахш хоссалари қуидагиларни ўз ичига олади: Онкологик касалликларни даволашда (ҳатто касалликнинг охирги босқичида саратон ўсимталарига қаршилик кўрсатади ва уларнинг ҳужайралари ўсишини тўхтатади);

Конни тозалашда (уни янгилайди ва тозалайди, демак юрак қон томир тизимини мустаҳкамлайди, организмнинг барча ҳужайраларини озиқлантиради); Мия фаолияти активлигини яхшилайди (бош мия тўқималарини ўстиради, хотирани яхшилайди);

Невроздан фориг қиласи;

Бош оғриги ва уйқусизликдан халос этади;

Ошқозон-ичак фаолиятини меъёрга келтиради;

Ортиқча ўтдан халос этади;

Буйрак ва қовуқни даволайди(асал аралаштирилган заъфарон буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди);

Антиоксидант таъсирга эга (энергетик модда алмашинувини яхшилайди, заарли моддаларни чиқариб юборади);

Организмни қувватлайди;

Кўриш қобилиятини тиклайди, кўз тўрпардасидаги иллатларни даволайди;

Эрекцияни яхшилайди;

Ҳайз циклида оғриқни енгиллаштиради;

Терининг куйган ва шиш пайдо бўлиш ҳолатларида уларни даволайди;

Аллергиядан халос этади;

Ичкилиқбозлик иллатидан халос этади;

Шамол ва спазмаларни чиқариб юборади;

Организмдаги радиация даражасини пасайтиради. Зарьфаронни истеъмол қилиш универсал рецепти

Таъсири: организмни умумий мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш. Конни яхши тозалайди. Иммунитетни мустаҳкамлайди. Онкологик касалликларнинг олдини олади.

Таркиби: Зарьфароннинг 2-3 гул оталиги ва 10 дона майиз олиб, ярим стакан совуқ сувга солинади, тун давомида тиндирилади— сув қўнғир-тилла ранг тус олади. Эрталаб наҳорга ичилади, худди шу йўсинда кечқурун ичишга кейинги меъёрдаги дори эрталаб тайёрлаб қўйилади. Муолажа давомийлиги – 2 ой. Бу дорини ичиш учун энг муносиб вақт баҳор ва ёз фасллари.

Зарьфарондан бебаҳо дори-дармон рецептлари

Жигар фаолиятини меъёрига келтириш ва уни даволаш мақсадида зарьфарон ун каби янчилиб, майдаланади ва овқатлангандан 20 минут ўтказиб истеъмол қилинади. Услуби: чой қошиғи учидан тил билан ялаб истеъмол қилинади.

Эркаклар қувватини ошириш учун зарьфарон, занжабил дориворларини ва қора муручни сабзавотли, гўштли ёки балиқли таомлар пиширилиб тайёр бўлгач, қўшилади.

Юрак, буйрак, жигар касалликларини даволашда, конъюнктивит, кератит ва йирингли жароҳатларни даволашда зарьфароннинг сувдаги аралашмасидан фойдаланилади. Бунинг учун бир чой қошиғи зарьфарон толалари устидан қайнаб турган бир стакан сув қўйилади, 20 минут тиндиради, 3 қават докадан ўтказиб, совутилади ва кунига уч маҳал овқатдан олдин 15 грамдан ичилади ёки бу сувга дока ҳўллаб жароҳатга қўйилади.

Томирлар хасталиклари, катаректада, глаукомада, юрак қон томир касалликларида ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда, буйрак тошларини майдалашда зарьфароннинг қуритиб майдаланган ва асалга аралаштирилган толалари тил тагига қўйиб шимиб истеъмол қилинади.

Зарьфаронни қайноқ сутга қўшиб ичиш бош мия тўқималарининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу хотирани яхшилайди, ақлий фаолият ва сезги органлари фаолиятини яхшилайди.

Асабларни тинчлантириш ва уйқуни яхшилаш, шунингдек, пешоб ажralишини яхшилаш учун зарьфарон ёғини истеъмол қилиш яхши натижа беради.

Бош оғригидан фориғ бўлиш учун зарьфароннинг 3 дона толасини олиб, 3-4 томчи эритилган (топленый) ёғга аралаштирамиз. Яхшилаб аралаштириб бурун катаклари устидан суртамиз, қолганини бурун ичига тортамиз.

Ички қон кетишини даволашда. Бир чой қошиқ зарчавани 6-7 та зарьфарон толаси билан аралаштириб, аралашмани қайноқ сутга солиб ичамиз.

Хайз циклини меъёрига келтириш ва оғриқни пасайтириш учункунига 5-10 та тола заъфарон истеъмол қилинади. Бунда толаларни аста-секин ялаш ёки олмага, асалга ва чойга қўшиб истеъмол қилиш мумкин.

Жигар хасталикларини ва қонга оид касалликларни даволашмақсадида 10 дона майиз, 3 та тола заъфарон ва оқар сувдан олиб тиндирилган 100 г сувдан фойдаланамиз. Бу аралашмани 8-9 соат давомида тиндирилади. Бир яrim ой давомида ҳар сафар мазкур йўсинда янги тайёрланиб тиндирилган аралашмани ичилади.

Иммун тизимини меъёрига келтириш учун чойга заъфарон толаларини қўшиб ичилади. Бунинг учун чойнакка 7-15 та тола заъфарон солинади ва устидан 200 г қайноқ сув қуйилади, оловга қўйиб яна 5 минут давомида қайнатилади, яна 400 г қайнаб турган сув қўшилади, қайнаб чиқиши билан оловдан олинади. Толалар чойнак тагига чўккунича тиндириб, сўнг ичилади. Бундай чой икки ой давомида кунига уч маҳал овқатланишдан олдин ичилади. Битта дамланган заъфарон толаларидан икки марта бундай чой дамланади.

Кўзни даволаш учун майдалаб ун ҳолига келтирилган 5 та заъфарон толасини олиб, шунга тенг миқдорда атиргул суви (гулоб) аралаштириб, кўзга суртилади.

Буйракдаги тошларни тушириш учун ундей янчилган 50 та заъфарон толасини 100 г тоза табий асал билан аралаштирилади. Бу аралашмани овқатланишдан олдин кунига 2 маҳал яrim десерт (чой қошиқ эмас!) қошиқдан истеъмол қилинади.

Бронхитни даволашда заъфарондан 1 десерт қошиқ олиб, устидан 1 стакан қайноқ сув қўйиб дамлама тайёрланади. Дамламадан кунига 3 маҳал 30 г дан ичилади.

Пешоб йўлларидаги тош касаллигини даволаш учун 1 десерт қошиғида заъфарон олиб, устидан 250-300 г қайноқ сув қуйилади. Дамлама тўлиқ тиндирилади. Кунига уч маҳал овқатдан олдин 15 г дан ичилади.

Саломатликни умумий мустаҳкамловчи дори-восита: бунинг учун 7-15 дона заъфарон ип толаси олиниб, қайноқ сувда чайилади, сўнг устидан 250 мл қайноқ сув қуйилади ва паст оловдаги конфоркага қўйилади. 3-5 минут ўтгач, устидан 500 мл қайноқ сув қўйиб, қайнай деганда олинади (дори қайнаши керак эмас). Суткасига 3 маҳал 250 мл дан овқатланишдан яrim соат олдин ичилади. Бу дорини тайёрлашда ишлатилган заъфарон толаларини худди шу йўсинда иккинчи марта дори тайёрлаш учун ишлатиш мумкин.

Хотирани яхшилаш учун: заъфароннинг янчиб майдаланган 3 дона толасини 250 мл сутга аралаштириб ичилади.

Аллергик реакцияда: 5 г майдаланган заъфарон толалари чой қошиғининг 1/3 ида олинган янчилган занжабил аралаштириб устидан 500 мл қайноқ сув

қўйилади. Суткасига 3-4 маҳал 125 мл дан ичилади. Даволаниш муддати 1 ой, сўнг зарур бўлса, бир неча кун танаффус қилиб, муолажа яна такрорланади. Тушкунликка тушиш, хафақонликдан, заифлашган кўриш қобилиятини тиклаш, қонни тозалаш учун ширин дори: 3-4 та заъфарон толасига 2-3 дона янчилмаган қора муруч ва 15 дона майиз олинади, устидан 1 стакан қайноқ сув қўйилади ва наҳорга ичилади.

Бронхитни даволаш учун 2 чой қошиқ заъфарон толалари 1 стакан қайнаган сувга аралаштириб, 15 минут давомида (манти қасқонда) буғланади. Тайёр бўлган дорини докадан ўтказиб, 2 ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичилади.

Ички қон кетишини тўхтатиш учун: 5-7 та заъфарон толаси 1 стакан илиқ сутга солиб ичилади. Бу дори ичдан қон кетишини тўхтатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Доривор усимликунослик ва янги дори воситаларини ишлаб чикариш корхоналарини ташкиллаштириш учун доривор усимликларни саноат микёсида плантацияларини яратиш”. - Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2013 йил 5 август 222-сонли мажлис баёни, 3-банди. Тошкент, 2013.
2. Холматов X.X., Харламов И.А. Шифобаҳш усимликлардан уйда фойдаланиш. - Тошкент, “Медицина” нашриёти, 1985. -21 с.
3. Холматов X.X., Косимов А.И., Доривор усимликлар. - Тошкент, Ибн Сино номидаи нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994. - 368 б.
4. Холматов X.X., Мавлонқулова З.И., Турли касалликларда доривор усимлик йигмаларидан фойдаланиш. - Тошкент, Ибн Сино нашриёти, 1993. -88 б.
5. Зоҳидов Ҳамидjon. Шифо хазинаси II. Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. Б 46-48.
6. Иргашев Ш. Табиатнинг ўзи табиб Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2003. Б
6. vt. uz/nature/flora-tauna
7. www. sivatherium. rarod. ru/postcard/
8. doctor uz/pade/public. med/ med. plants